



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 225 (11.786)

Баҳоси эркин нархда

Рақобатбардош маҳсулот тайёрлаб, ички ва ташқи бозорда харидорларнинг таъминлашда ҳорижий ҳамкорлар билан шерикликда ташкил этилган корхоналарнинг ўзига хос ўрни бор.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислоҳотлар оқидамида

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Шунинг баробарида аҳолини иш билан таъминлаб, бандлик масаласига муҳим ҳисса қўшишда ҳам қўшма корхоналарнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш ўринли.

«Lok Kolor Sintes» Ўзбекистон-Нидерландия-Британия қўшма корхонасида тайёрланаётган лок-бўёқ маҳсулотларига ҳам ички, ҳам хориж бозорига талаб юқорилаб бораётганлиги тадбиркорлик билан изланиш, бугуннинг нафаси билан иш юритиш самарасидир.

Германия, АҚШ, Испания давлатлари технологияси асосида тайёрланаётган маҳсулотлар халқаро сифат талабига мувофиқ бўлиб, экологик тоза ва техник хавфсизлиги таъминланган.

Айни пайтда корхонада 450 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилганлиги боис, минг хилдан зиёд маҳсулот турлари ишлаб чиқарилади. Кўплаб янги лойиҳалар жорий этилмоқда.

Замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тайёрланаётган «Шарқ» полиакрил бўёғи, шифт ва девор учун мўлжалланган маҳсулотлар ана шулар жумласига кирди. Олмалик кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Подъёмник», Бухоро

нефтни қайта ишлаш заводи, Андижон механика заводи, «Электрхимпром» акциядорлик жамияти, «Комфортколор» масъулияти чекланган жамияти асосий буюртмачилари ҳисобланади. Ҳамдўстлик давлатларидан ҳам буюртмалар тушаётгани экспортни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, корхона фирма дўконидан ҳам бевосита эҳтиёжга қараб лок-бўёқ харид қилиш мумкин.

Корхона маҳаллийлаштириш дастурига киритилган бўлиб, маҳаллий хилдан қуруқ аралашмалар тайёрлаш кўзда тутилган. Дастур доирасида янги технологик линия ўрнатилмоқда.

Шунингдек, лок-бўёқ маҳсулотларини бугунги кун талабларига мос тарзда харидорга етказиш мақсадида янги қадқоқлаш ашёлари ҳам тайёрланаётган.

Йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлашга аҳд қилган корхона жамоаси ишлаб чиқариш ҳажмини 12 миллиард сўмга етказиш йўлида барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Улмасов олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН – ИСПАНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимидаги Халқаро ҳамкорлик марказида 22 ноябрь куни Ўзбекистон ва Испания ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Испания савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, нефть-газ, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, қурилиш материаллари, машинасозлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг биринчи ўринбосари Н.Нажимов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори иқтисодий соҳада ҳам жа-

дал ривожланаётгани, бундан икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президентимиз Ислоҳ Каримов 2009 йилнинг май ойида Бразилия Федератив Республикасига расмий ташрифи давомида Мадридда тўхтаб ўтиб, Испания Кироли Хуан Карлос билан учрашди. Учрашув доирасида эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш, ҳамкорликни янада тараққий эттириш учун кенг имкониятлар яратди.

(Давоми 3-бетда)

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Президентимиз Ислоҳ Каримов жорий йилнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусида мамлакатимизда истиқлол йилларида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Буни қарийб йигирма йиллик мустақил Ҳарқийетимиз мобайнида Ватанимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари 5 баравар кўпайиб, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшиланиши, натижада она-

сий ва туғма касаллик билан туғилган фарзандлари бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат бериш йўналишлари бўйича иш олиб бормоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига Республика она ва бола скрининги маркази директори Мадина Шарипова. — Мам-

СОҒЛОМ ФАРЗАНД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 40-модда)

лар ўлими 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига оид қарорлари бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сайёрамизда ҳар куни бир минг тўрт юзга яқин аёл турли экстрагенитал ва генитал касалликлар асоратида ҳомиладорлик ва туғиш жараёнида ҳаётдан кўз юмади. Бундай омиллар таъсирида минг-минглаб аёллар ногирон бўлиб қолади. Бунга тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг пастлиги ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар асосий сабаб бўлади.

Мамлакатимизда эса «Соғлом она — соғлом фарзанд — соғлом келажак» эзгу ғояси асосида изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар ўзининг илҳомий самарасини бермоқда.

Юртимизда репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки репродуктив саломатлик билан боғлиқ муаммолар оналар ва болалар касалликлари ва ўлимнинг асосий сабабларидандир. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда 1998 йил 1 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Она ва бола скрининги» Давлат дастури муҳим омил бўлмоқда. Дастур ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида жойларда скрининг марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Скрининг марказлари янги туғилган чақалоқларни туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликларига оммавий скрининг ўтказиш, туғруқча бўлган даврда ҳомилада ривожланиш нуқсонининг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш, ир-

лакатимизда фаолият кўрсатаётган бундай шифо масканлари замонавий таъхши аппаратлари, махсус автотранспорт билан тўлиқ жиҳозланган ва уларда малакали мутахассислар фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимиз бўйича тўрт юз мингга яқин чақалоқ неонатал, 8,5 мингдан ортқ ҳомиладор аёл перинатал скринингдан ўтказилди. Мазкур текширишлар натижасида касаллик аломатлари аниқланган ҳомиладор аёллар, фарзанд бўлган оналар ва янги туғилган чақалоқлар соғломлаштирилди. Беморлар диспансер назоратига олиниб, зарур дори-дармон ва махсус озиқа билан таъминланиши йўлга қўйилди.

Юртимизда эл саломатлигини асрашга қаратилаётган ғамхўрлик ва эътиборга ҳавас қилса арзийди. Мамлакатимиз дунёнинг 125 давлати орасида оналик ва болалик муҳофазаси борасида яратилган шарт-шароитлар даражаси бўйича 19-ўринда қайд этилгани ҳам бежиз эмас. Юртимизда хотин-қизлар саломатлигини асраш мақсадида кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати даражаси энг ривожланган давлатлар учун ҳам миллий модель сифатида эътироф этилди.

Амалга оширилаётган бундай кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари камайиб бораётган бўлса-да, ҳаммининг ҳам ўз саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги билими, кўникмалари ва масъулиятини етарли, деб бўлмади.

Бугунги кунда тўйдан олдинги тиббий текширувдан бош тортиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта ёшдаги ҳамда ўттиз ёшдан кейинги ҳомиладорлик, камқонлик, гипертония, юрак, қон-томир, буйрак хасталиқларини бартараф этмай туриб фарзанд кўриш ва исталмаган ҳомиладорлик боис, ногирон болалар туғилиши ҳолатлари ҳам учраётди. Бу шифокорлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди — тушунтириш-тарғибот ишларини янада кучайтиришни тақозо этади. Айни пайтда, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, келажагимиз вояларини ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол этиб вояга етказиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Гулбахор УМРЗОҚОВА

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари кўмиталарининг Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган қўшма мажлисида Фарғона ва Навоий вилоятларида жойлардаги энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда, демократик янгиланишларни чуқурлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш масаласини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

• Самарқанд вилояти ҳокимлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг вилоятдаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда вилоятда саноат, қурилиш ва савдо соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Урганч шаҳри ва Хоразм вилояти туманлари марказларида республика тижорат банклари бошқаруви ҳамда уларнинг вилоят филиаллари раҳбарларининг тадбиркорлар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилган имконият ва имтиёзлар, кўрсатилаётган банк хизматлари хусусида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди.

• Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги «Кимёгарлар» саройида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Россия Федерацияси ва Европа Иттифоқи 2050 йилга қадар энергетика соҳаси стратегиясини ҳамкорликда ишлаб чиқишга тайёр эканликларини билдиришди.

• Кеча Словакия полицияси Братислава шаҳридаги Президент саройи атрофида амалга оширилиши мўлжалланган террорчилик ҳаракатини олдини олишга муваффақ бўлди.

• Куба етакчиси Фидел Кастро 49 йил давомида давлатни бошқарганидан сўнг сиёсат майдонидан бутунлай кетганини расмий эълон қилди. Шу тариқа 84 ёшли Ф.Кастро соғлиғи ёмонлашганлиги ва кексайиб қолганлиги муносабати билан Куба коммунистик партияси марказий кўмитаси биринчи котиби вазифасидан озод қилинди.

• Ирландия бош вазирининг истеъфога чиқиши тўғрисида муҳолифатдан ташқари унинг ўз партияси вакиллари ҳам талаб қилмоқда.

• Колумбия махсус хизмати вакиллари катта миқдорда ноқонуний пуллар айланмасига чек қўйди. Қўлга киритилган пул қиймати 29 миллион евро ва 17 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, улар гиёванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноий тўдалардан олиб қўйилган.

• Кеча Камбоджа пойтахти Пномпен шаҳрида ўтказилган сув байрами пайтида кўприк устида юз берган тўстўполонлар чоғида ҳалок бўлганлар сони 345 кишига етди.

• Япониянинг Nissan автокомпанияси АвтоВАЗнинг ўн фоиз акцияларини харид қилиш ниятида эканлигини билдирди.

• Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган савдолар чоғида нефть нархининг пайасанлиги кузатилди.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ «**КОНСТИТУЦИЯ** — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» — ушбу мавзудаги давра суҳбати бугун Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан ўтказилди.

✓ **БУГУН** пойтахтимида жорий йил 13-18 декабрь кунлари Дехли (Хиндистон)да ўтказилган кураш бўйича жаҳон чемпионати олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** «Авиасозлар» маданият саройида «Ўзбекистон, сени қуйлайман!» шiori остида санъат фестивали бўлиб ўтади. Шаҳар касоба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган тадбирда корхона-ташкilotлар қошидаги хаваскорлик жамоалари қатнашади.

